

Илмий-амалий
АНЖУМАН



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан ўзбек адабиёти ва журналистикаси ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли адиблар – Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов ҳамда шоир ва ёзувчи, жамоат арбоби Йўлдош Сулаймон таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, республикамизнинг таниқли адабиётшунос олимлари, ёзувчи-шоирлар, журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёш ижодкорлар, устозларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Фарғонанинг икки “чинори”, қатор ижодий асарлар муаллифлари гарчи наср ва назмда ўлмас асарлар яратган бўлсалар-да, умрларини матбуот билан боғлашган, “Коммуна” (ҳозирги “Фарғона ҳақиқати”) газетаси таҳририяти ижодий муҳитида камол топганлар. Йўлдош Сулаймон адабиёт бўлимини бошқарган. Ўнлаб ёш ёзувчи, шоир, истеъдод эгаларининг биринчи асарлари айнан унинг таҳрири остида газета саҳифаларида чоп этилган. “Дардим сизмас дунёга” шеърий тўплами, “Субҳидам”, “Вафо” романлари ўз вақтида адабиёт оламида улкан воқелик бўлган.

Охунжон Ҳакимов ҳам “Фарғона ҳақиқати” ва мамлакатнинг етакчи газетасида бир неча йиллар фидойилик билан меҳнат қилди. Унинг фелъетонлари ўша замон қорчалон, порахўр, коррупционерларини аёвсиз фош қилган. Таҳлилий мақолалари ҳамон ёш журналистларнинг маҳорат мактабларида ўрганилади. Ёзувчига катта шухрат келтирган йирик шеърлари, қисса ва романлари, қатор пьеса ва публицистик мақолаларида кўтарилган муаммолар бугун ҳам долзарб.

БАҒИШЛОВ

Абдусайд КҮЧИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси

Ким-кимлар ўтмаган қадим диёрда,
Тўлқиндай жўш уриб икки қадрдон.
Бир келиб кетдилар эрка баҳордай –
Охунжон Ҳакиму Йўлдош Сулаймон.

Юраги бўлоқдай қайноқ ва тоза,
Баланд чўққилардек ғурурли, шоён.
Сўзлари булбулга ҳавас, андоза –
Охунжон Ҳакиму Йўлдош Сулаймон.

Уларга ёт эди “деди-деди”лар,
Кўкси осмон эди – юлдузли осмон.
Қамтарин, камсуқум инсон эдилар
Охунжон Ҳакиму Йўлдош Сулаймон.

Дерларки, шоирлар қалбининг ранги
Замину давронни титратар ҳамон.
Миллион дилларга нур сочгай мангу –
Охунжон Ҳакиму Йўлдош Сулаймон.

Ватан волидадир – доим парвона,
Меҳру муҳаббати дунёи жаҳон.
Бугун ёдлаётир сизни Фарғона –
Охунжон Ҳакиму Йўлдош Сулаймон.

Юракдан тўкилган ҳар сўз, ҳар калом,
Ўчмагай ўтса ҳам эврилиш, замон.
Сизга мангу таъзим, мангу эҳтиром –
Охунжон Ҳакиму Йўлдош Сулаймон.

(Давоми 2-бетда).

Рўйхатга олиш:

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ
БЕЛГИЛАШДА
МУҲИМ
ОМИЛ



Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳоли, миграцияси, иш фаолияти, даромад манбалари, турмуш фаровонлиги даражаси, қишлоқ хўжалиги ресурсларини тўлиқ ҳисобга олиш мамлакат тараққиёти истиқболларини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳисобга олиш орқали давлат дастурлари самарадорлигини ошириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш имкони ярати-

лади. Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини стратегик режалаштиришда долзарб, муҳим аҳамият касб этадиган масаладир.

(Давоми 2-бетда).

МАРҒИЛОНДА МАҚОМ САДОЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Ипак ва тўқимачилик маркази сифатида танилган, санъат ва ҳунар уйғунлигини асрлар давомида сақлаб келаётган Марғилон шаҳри яна дунё санъат ихлосмандларини ўз бағрига жамлади. Кеча Эркин Воҳидов номидаги маданият ва истироҳат боғида “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мақом фестивали очилди.

Анъанага айланиб бораётган фестивалга МДХ давлатлари ва туркий дунё мамлакатларининг энг моҳир мақом ижрочилари, чолғучилар, бадийи ва фольклор жамоалари ташриф буюрди. Дастлаб кўҳна санъат шайдолари ва соҳа мутахассислари миллий ҳунармандчилик кўргазмалари билан танишдилар. Қўл меҳнатининг ноёб намуналари бўлган – зардўзлик, каштачилик, гиламдўзлик буюмлари ўзбек халқининг маънавий ва маданий меросини ифода этди.

Тадбирнинг асосий қисмида хорижий ва маҳаллий ижрочиларнинг чиқишлари намоиш этилди. Саҳнада бирин-кетин турли халқлар куй-наволари, мақом оҳанглари жаранг сочди. Иштирокчиларнинг маҳорати санъат ихлосмандларига манзур бўлди, жонли ижролар қалбларга сингди. Хорижий санъаткорлар билан биргаликдаги ижро номоддий маданий мерос, жумладан, мақом санъати миллий руҳ ва бадиият уйғунлигини намоён этди.

– Мақом санъати ўзбек халқи маданияти, маънавияти ва миллий қадриятларининг уйғун ифодаси ҳисобланади. Бу каби тадбирлар мамлакатимизда номоддий маданий меросни сақлаш ва ёш авлодга етказишда муҳим ўрин тутди, – дейди фестивал иштирокчиси Муроджон Камолитдинов.

Фестиваль доирасида “Номоддий маданий мерос феномени: Аския ва қизилчилик санъати” мавзусида республика илмий-амалий конференция ташкил этилди. “Аския сайли”да миллий ҳажв санъатининг эркин намуналари ижро этилди. Марғилон мусикали мақом театрида саҳналаштирилган “Икки қалб нола-си” спектакли иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди. Миллий либослар намоишида ўзбек миллий матолари, айниқса, атлас ва адраснинг бетакор намуналари иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Ғолиблар муносиб тақдирланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз муҳбиримиз.

Ишлашни истаган имкон қидирар...

АҲОЛИГА ИСТИҚБОЛЛИ
ЛОЙИҲА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Қўштепалик ишсиз фуқаролар
узумчилик ва ўрдақчилик билан шуғулланади

Кейинги йилларда мамлакатимизда Аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳти-ёжмандларни меҳнат фаолияти-га жалб қилишда қўлай шарт-шароитлар яратиш, бунинг учун ички имконият-лардан самарали фойда-ланишда тизимли иш-лар олиб борилмоқда.

Қўштепа туманида амалга оширилган хайрли ташаббус бунга ёрқин мисол бўла олади. Ту-ман ҳудудидан оқиб ўтувчи Кат-та Фарғона кана-лининг муҳофаза зонасида, “Дўрмон” маҳалласидан “Шо-мирза” маҳалласигача бўлган 11 километрлик масофа оралиғида узум етиштириш, каналнинг ҳу-дуддан ўтувчи 6 километрли бўйлама зовури соҳилбўйи минтақасида эса ўрдақ боқиш лойиҳаси амалга оширилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Эндиликда иш-сиз фуқаролар иш билан банд этилиб, элимиз дастурхонига олий навли узумлар ва пархез ўрдақ гўшти етказиб бериш им-кониятига эга бўлиши.

(Давоми 3-бетда).

